

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

7/S-son (4-jild)

**2024**

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/7 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохид Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

*Umurqulov Kamoliddin*

O'ZBEK XALQINING OILAVIY MAROSIMLARINING TARBIYAVIY AHAMIYATI ..... 9-12

*Muhamedov Asror*

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR ..... 13-22

*Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna*

SOVET DAVRIDA KITOV TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA  
AMALIYOTLARI ..... 23-30

*Сабитова Коринна Сабировна*

ШКОЛЬНОЕ И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В  
УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ ..... 31-37

*Vaxabov Azizjon Xamidovich*

USMONIYLAR SALTANATI VA O'RTA OSIYO XONLIKLARINING O'ZARO DIPLOMATIK HAMDA  
ELCHILIK ALOQALARI ..... 38-44

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Xolmuradov Musurmon Avlaqulovich*

MAMLAKATIMIZ TIJORAT BANKLARI AKTIVLARI SAMARADORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH  
MASALALARI ..... 45-51

*Madiyev Shaxzod Shodmon o'g'li, Xurramova Zarina Xolboyevna*

QISHLOQ XO'JALIGI ISHLAB CHIQARISHIDA TEXNIK SALOHİYATDAN FOYDALANISHNING  
IQTISODIY MOHIYATI VA NAZARIY ASOSLARI ..... 52-57

*Самадов Салохиддин Исмаатович*

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ..... 58-66

*Хуррамов Азамат Файзуллаевич*

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЖАРАЁН-НАТИЖА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАҲЛИЛИ ..... 67-74

**09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

*Sharipov Abdukhakimjon Ziyotdinovich*

YANGI O'ZBEKISTON JAMIYATI TARAQQIYOTI IDEOSFERASIDAGI MA'NAVIY O'ZGARISHLAR  
DINAMIKASI ..... 75-80

*Mustafaev Alimardon Alijonovich*

THE MAIN VECTORS OF THE EVOLUTION OF COMPARATIVE PHILOSOPHY IN THE CONTEXT  
OF CONTEMPORARY CIVILIZATIONAL DEVELOPMENT ..... 81-89

*Mamasaliev Mirzoulug' Mirsaidovich*

"G'ARB MADANIYATIDA SABR-TOQAT KONSEPSIYASINING O'ZGARISHI" ..... 90-95

*Shadmanov Qurbon*

FRENSIS BEKON INDUKTIV USULI VA TA'LIM, TARBIYA VA O'Z-O'ZINI TARBIYALASH  
G'OYALARI ..... 96-101

*Usmonov Farkhod Lapasovich*

PHILOSOPHICAL ANALYSIS FREEDOM OF INFORMATION ..... 102-109

*Atakulov Mavlonbek Saitkulovich*YOSHLARNI SOG'LOM MA'NAVIY MUHIT ASOSIDA TARBIYALASHDA  
FUQAROLIK MAS'ULIYATI O'RNI ..... 110-115**10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI***Amanov Abdijabbor Sattarovich*

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MURAKKAB SINTAKTIK TUZILMALAR TAHLILI ..... 116-121

*Xudoynazarova O'g'lonoy Allamurodovna*

DINIY BARQAROR BIRIKMALARNING STILISTIK XUSUSIYATLARI ..... 122-125

*Hayitova Shohida Erkin qizi*KONSEPT TUSHUNCHASINING TALQINI VA KONSEPTGA OID TADQIQOTLAR  
TASNIFI ..... 126-132*Qodirova Mukaddas Tog'ayevna*

TILSHUNOSLIKDA BIZNES DISKURS: TADQIQ, TASNIF VA TAHLIL ..... 133-138

*Aripova Aziza Xasanovna*

NUTQ MADANIYATI VA NUTQ ODOBI MASALALARINING TARIXIY TAKOMILI ..... 139-143

*Tillabayeva Zilola Raxmatillayevna*QARLUQ SHEVALARIDA TABU VA EVFEMIZMLAR QO'LLANILISHI YUZASIDAN  
MULOHAZALAR (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA) ..... 144-148*Axmedova Aziza Komilovna*

PSIXIATRIK BADIY TAHLIL ASOSLARI ..... 149-153

*Зокирова Шахзода Нодиржон қизи*

ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РИТОРИК АСПЕКТИ ..... 154-158

*Yusupaliyeva Fazilat Yusupaliyevna*

METHODS IN TEACHING ENGLISH AND THEIR IMPORTANCE ..... 159-163

*Fayzullayeva Dilfuzaxon G'ulomjon qizi*

ADIB QALBIDAN: QAHRAMON RUHIYATIDA YOZUVCHINING IZI..... 164-169

*Negmatova Mumtozbeqim*

UZBEK TERMINOLOGY FOR BANKING SECTOR ..... 170-174

*Omondavlatova Latofat Ne'matulla qizi*O'TKIR HOSHIMOVNING "DAFTAR HOSHIYASIDAGI BITIKLAR" ASARIDA QO'LLANILGAN  
LINGVOMADANIY BIRLIKLER TAHLILI ..... 175-178**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Ismaylov Raxat Aminbayevich*NORMA IJODKORLIGI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY  
MASALALARI ..... 179-183*Сеитниязов Камарбек Парахатович*ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 184-191

*Нуруллаев Шохрух Шухратуллаевич*

ҚУРИЛИШДА АТРОФ-МУҲИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОFAZACИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА  
НАЗОРАТИ ..... 192-198

*Hamdamov Shahzod Maqsud o'g'li*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI TARAQQIYOTINING

HUQUQIY ASOSLARI ..... 199-210

*Шокиров Ойбек Азизжон ўғли*

ҚОНУНИЙЛИК НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ

АСОСЛАРИ ..... 211-218

### **13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI**

*Bozorova Muslima Qodirovna, Istamova Dilnoza Norboyevna*

RAQAMLI TA'LIM SHAROITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI KASBIY FAOLIYAT UCHUN KO'P  
BOSQICHLI TAYYORLASH ASOSLARI ..... 219-222

*Rabbimova Nodira Tashtemirovna*

FROM SCALPEL TO BLACKBOARD: HOW MEDICAL TRAINING IS REVOLUTIONIZING

PEDAGOGICAL APPROACHES ..... 223-227

*Саидова Камола Усканбаевна*

КОМПАРАТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ВОСПИТАНИЯ В ВОСТОЧНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
МЫСЛИ ..... 228-233

*Худойназарова Дилрабо Абдурашидовна*

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ

ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ ..... 234-239

*Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович*

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ ..... 240-245

*Buronova Iroda*

UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARIDA MEDIAKOMPITENTLIKNI

RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARI ..... 246-250

*Matyakubova Feruza Egamovna*

ANATOMY OF LEARNING: BRIDGING THE GAP BETWEEN MEDICINE AND

MODERN EDUCATION ..... 251-254



**Received:** 10 September 2024  
**Accepted:** 15 September 2024  
**Published:** 25 September 2024

*Article / Original Paper*

## UNIQUE CHARACTERISTICS OF THE CONCEPT OF STATE CIVIL SERVICE

**Seitniyazov Kamarbek Paraxatovich**

Independent applicant of the Karakalpak State University

**Abstract.** This article analyzes the essence and content of the concept of civil service, its legal definition, distinctive features compared to other types of state service, and analyzes the views and opinions expressed by local and foreign scholars.

**Keywords:** state service, government body, citizen, civil service, special state service

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Сеитниязов Камарбек Парахатович**

Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада давлат фуқаролик хизмати тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг ҳуқуқий таърифи, давлат хизматининг бошқа турларидан ўзига хос фарқли жиҳатлари, маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** давлат хизмати, давлат органи, фуқаро, давлат фуқаролик хизмати, махсус давлат хизмати,

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI7Y2024N28>

Сўнги йиллари мамлакатимизда барча соҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда ҳамда давлат хизматини самарали ташкил қилишга қаратилган қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари, шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар энг аввало халққа хизмат қилишга, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга, ислохотлар самарасини ўзларининг ҳаётида бугунги куннинг ўзида ҳис этиши кераклигига қаратилган.

Давлат хизматининг асосий турларидан бири бўлган давлат фуқаролик хизмати жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларда энг кўп алоқада бўладиган, кундалик ҳаётда ҳар бира жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларга киришадиган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Мамлакатимиз қонунчилигида 2017 йилдан бошлаб давлат фуқаролик хизмати атамаси пайдо бўла бошлади, унга давлат хизмати алоҳида турларга ажратилмасдан жуда кенг ва ноаниқ талқин қилиниб, давлат ташкилотлари таркибидаги ҳар қандай фаолиятни, хоҳ у сиёсий раҳбарлар, бошқарув ходимлари ёки ишлаб чиқариш ва техник ходимларининг фаолияти бўлсин, шунингдек ўқитувчилар, шифокорлар, ҳарбийлар ва бошқалар фаолиятининг барчаси "давлат хизмати" сифатида қараб келди.

Ўз навбатида, қонун чиқарувчи томонидан ушбу соҳадаги муносабатларни, уларнинг иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини, “давлат хизмати”, унинг турлари ва фарқларини кўрсатиб берувчи ҳуқуқий тушунчаларни аниқ қонун нормалари билан тартибга солинмасдан келинди.

Шу боис, айрим адабиётларда давлат фуқаролик хизматининг мазмун моҳиятини айнан давлат хизмати сифатида тушунтириш ҳолатларини учратишимиз мумкин, яъни аслида давлат хизмати кенг ва умумий тушунча бўлиб, давлат фуқаролик хизмати унинг ўзига хос бир тури ҳисобланади ҳамда давлат хизматини таърифлашда давлат фуқаролик хизматининг белгилари, тарафлари, элементлари билан талқин қилиш тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Масалан, С.А. Муратаев, Б.Т. Мусаев, Д.Р. Артиковлар давлат хизмати бу – қонунлар асосида оммавий бошқарув органига расмий равишда юклатилган функция, вазифа ва ваколатларни амалга ошириш компетенциясига эга бўлган, вертикал бўйсинишга асосланган ижро ҳокимияти фаолиятдир. Давлат хизматчилари эса оммавий бошқарув органида профессионал фаолият юритувчи ижроия-тақсимот ваколатига эга бўлган интеллектуал фаолият билан шуғулланувчи мансабдор шахслардир. Шу ўринда “давлат хизматчилари” категориясига тааллуқли бўлган мансабдор шахсларни аниқлаб олиш учун, у маълум мезонларга жавоб бериши лозим[1;101-104].

Шунингдек, маҳаллий олимлардан Э.Т. Хожиев, Г.С. Исмаилова, М.А. Рахимоваларнинг фикрича давлат хизмати – бу давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳокимият-ваколатларининг амалга оширилишига қаратилган касбий фаолиятдир[2;15].

Худди шундай фикрни Б. Мусаев, Д. Артиқов, Б. Қосимовлар томонидан билдирилганлигини кўришимиз мумкин, уларнинг ҳам фикрича давлат хизмати бу давлат органларида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳокимият ваколатларини амалга оширишга қаратилган касбий фаолиятдир[3.26].

Ушбу олимлар жамоси давлат хизмати тушунчасини ёритиб беришда асосий белгиларидан бири сифатида давлат хизматининг давлат органларида амалга оширилиши эканлигини, давлат органи – бу давлат механизмнинг бир бўлаги ҳисобланган ва давлат-ҳокимият ваколати доирасида давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга оширадиган давлат ташкилоти эканлигини таъкидлайди.

Давлат ташкилоти кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркибига давлат органи билан бир вақтда, давлат муассасаси ва давлат корхонаси ҳам киради. Лекин, давлат органи ўзининг функционал хусусиятига кўра давлат муассасаси ва давлат корхонасидан фарқланади. Давлат муассасаси маълум бир соҳада хизмат кўрсатиш (масалан, таълим бериш, соғлиқни сақлаш, кредит бериш) фаолияти билан, давлат корхонаси эса, ишлаб чиқариш фаолияти билан, маълум бир моддий бойликларни яратиш билан шуғулланади.

Давлат органлари давлатнинг бошқа ташкилотларидан фарқли равишда, жамиятнинг турли соҳаларида ташкиллаштириш, тартибга солиш, раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, ижро этиш ва фармойиш бериш каби

функцияларни бажаради. Умумий қоидага кўра, давлат органлари давлат бошқарувини амалга оширадилар.

Давлат органлари, давлат муассасаси ва давлат корхонасидан фарқли равишда, ўзининг олдида турган мақсадга эришиш ҳамда давлат вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун турли махсус усуллардан (масалан, давлатнинг мажбурлов кучидан) фойдаланади[4/14].

Мазкур олимларнинг ҳам давлат хизмати тушунчасига берган таърифи баҳсли десак бўлади, чунки уларнинг бераётган таърифи кўпроқ давлат фуқаролик хизмати тушунчасига мос келади. Сабаби, шубҳасиз, улар юқорида айтганидек, давлат муассасаси ва давлат корхонасида ишлаётган ходимлар фаолияти давлат фуқаролик хизматига кирмайди. Лекин, уларнинг фаолиятини умуман давлат хизмати эмас дейиш ҳам анча баҳсли масала ҳисобланади.

Назаримизда, барча давлат ташкилотларида ишловчи ходимларнинг фаолиятини умумий олиб қараганда кенг маънода давлат хизмати сифатида таъкидлашимиз мумкин, шунингдек, фуқароларнинг қандай давлат ташкилотда ва қайси лавозимда хизмат қилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб, давлат хизмати ва унинг ўзига хос турлари ҳақида тушунчалар берса бўлади.

Бугунги кунда амалиётда, давлат корхонаси, давлат муассасаси, давлат идораси, давлат органи сингари кўплаб атамалари амалиётда кенг ишлатилади, табиий савол ҳам пайдо бўлади, буларни бир биридан фарқи борми ёки йўқми? ёки ушбу атамалар синоним сўзлар сифатида норматив ҳужжатларда ишлатилиб келинмоқдами? Назаримизда ушбу саволларга ойдинлик киритиб кетиш ҳам давлат фуқаролик хизматининг юридик табиатини тушунишимизда, унинг давлат хизматининг бошқа турларидан фарқли томонларини англаб етишда муҳим ҳисобланади.

Агар қонунчиликка эътибор берилса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сон [қарорининг](#) 1-иловага мувофиқ тасдиқланган Низомга кўра давлат корхонаси-давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир[5].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасига кўра бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади[6], яъни мулкдор давлат бўлса давлат муассасаси бўлади.

Давлат идораси атамаси қонунчиликка қаралса, Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасида қўлланилган, унга кўра Давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тугатилади. Давлат нотариал идораси юридик шахс мақомига эга бўлмайди дейилган[7], яъни давлат идораси атамаси сифатида ишлатилади, юридик маънодаги тушунча эмас.

Шунингдек, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида давлат органи — давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат

органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма эканлигини таъкидлаган[8]. Албатта, бу қонундаги давлат органи тушунчасига биринчи навбатда давлат фуқаролик хизмати нуқтаи назаридан қаралган ҳамда давлат фуқаролик хизмати жорий қиланадиган давлат ташкилотлари назарда тутилмоқда, чунки аслида давлат органи кенгроқ тушунча бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларини ҳам ўз ичига олади.

Демак, давлат фуқаролик хизматининг асосий белгиларидан бири айнан қонунчиликда давлат фуқаролик хизмати жорий қиланадиган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органлари эканлиги ойдинлашди. Ўз -ўзидан маълумки, давлат ҳокимияти ваколати мавжудлигининг муҳим элементлари ишонтириш, мажбурлаш ва рағбатлантириш ваколатларининг борлиги билан ифодаланади. Шу сабабли ҳам, давлат корхоналари ва муассасаларидаги ҳар қандай лавозимда ишлаётган ходимлар фаолияти давлат фуқаролик хизмати сифатида таснифланмайди.

Лекин, назаримизда давлат корхоналари ва муассасаларида ёки қонун чиқарувчи ҳамда суд ҳокимиятида ишлаётган ходимларнинг фаолиятини давлат хизмати эмас дейиш ҳам нотўғри. Х. Хайитов мамлакатимиз Конституциясида давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ эканлиги, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги, мазкур давлат тузилмаларидаги профессионал фаолият давлат хизмати ҳисобланишини таъкидлайди[9/27].

К.Ж. Газиев ва А.А. Ахроровларнинг таъкидлашича бугунги кунда давлат органларида хизмат ўтаётган ходимларни амалиётимизда шартли равишда уч гуруҳга: а) давлат хизматчиси, б) давлат фуқаролик хизматчиси с) махсус давлат хизматчиларига бўлиб ўрганиш давом этмоқда[10/99], яъни ушбу олимлар ходимларнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматини шу шаклда таснифламоқда.

Ф. Махмудов бир қатор олимларнинг давлат хизмати тўғрисидаги фикрларини таҳлил қилган ҳолда, давлат хизматини назарий жиҳатдан давлат махсус хизмати ва давлат фуқаролик хизматига ажратган ҳолда, ижро етиш тизимига асосланган вазирлик, қўмита ва бошқа идораларни давлат фуқаролик хизматига, суд, прокуратура, солиқ, божихона, давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа шу каби махсус тартибга солинадиган фаолиятларни махсус давлат хизмати тоифасига ажратади[11/7].

Бугунги кунда айрим олимлар жамоаси “давлат хизмати” ва “давлат фуқаролик хизмати” тушунчаларига изоҳ бериш жоизлигини таъкидлаб, давлат хизмати давлат фуқаролик хизматидан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўз ичига давлат аппаратининг барча тармоқларини қамраб олишини, ушбу тушунча ҳозирги кунга қадар илмий муомалада кенг қўлланилганлигини, давлат фуқаролик тушунчаси эса ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан бевосита шуғулланмайдиган, давлат бошқарувини таъминлайдиган давлат (оммавий) хизматини англашда кенг фойдаланилишини таъкидлаб ўтган[12/12].

Рус олими В.Д. Граждан давлат фуқаролик хизмати—бу давлат органлари ходимларининг маъмурий фаолиятни амалга оширадиган ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий институт бўлиб, уларсиз нафақат давлат органлари нормал фаолият кўрсатиши, балки

давлатнинг ҳам мавжудлиги мумкин эмас. Самарали давлат хизмати давлат ҳокимиятининг мустақамлигига, унинг обрўси ва юқори динамикасига хизмат қиладиган асосий омил ҳисобланиб, у бир қатор вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган, яъни, ягона қонунчилик жараёни ва амалий ишларда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бирлигини таъминлаш, давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ҳуқуқий соҳани профессионал равишда мувофиқлаштириш, ҳар бир инсоннинг конституциявий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини амалга ошириши учун қулай сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш эканлигини таъкидлайди[13/9].

В.Ю. Войтович Россия қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда, давлат хизматини ҳарбий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фуқаролик хизмати турларига ажратган ҳолда, давлат фуқаролик хизматини икки даражага бўлган, яъни федерал даражадаги ва Россия Федерацияси субъектларидаги давлат фуқаролик хизмати[14/14-15].

Д.Н. Бахрах, Б.В. Российский, Ю.Н. Стариловлар фикрича давлат фуқаролик хизмати-иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш функциясини амалга оширадиган давлат бошқаруви органларининг ваколатларини таъминлашга қаратилган хизмат фаолиятидир[15/250].

О.В. Григорьев ўз тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда, давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг бир тури сифатида, Россия Федерациясининг барча даражаларида умумий бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари фондлар орқали молиялаштириладиган Россия Федерацияси, унинг субъектлари, органлари ва ташкилотларининг ваколатларини амалга оширилишини таъминлашга қаратилган фуқароларнинг алоҳида профессионал фаолияти эканлигини кўрсатиб ўтган[16/32].

Л. Жеймс, М. Руссел, А. Ренуикларнинг таъкидлашича фуқаролик хизмати Буюк Британиянинг конституциявий тизимининг муҳим қисмидир ва ҳукумат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда аҳамиятли ролни бажаради[17].

А. Горбан, В. Басс, А. Дрозд, М. Калатур, К. Шкарупа фуқаролик хизмати давлат бўлса шаклланган ва мавжуд бўлган. У давлат ҳокимиятининг асоси ва жамиятни бошқаришнинг ҳуқуқий механизмидир. Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида фуқаролик хизмат давлат бошқаруви тизимининг асосий элементларидан бири бўлиб, унинг самарали ишлаши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини, мамлакатнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлайди[18/148].

Юқоридаги олимларнинг давлат хизмати, жумладан, давлат фуқаролик хизмати ҳақидаги фикр мулоҳазаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир давлатнинг ривожланиш тарихи, сиёсий тузум, бошқарув шакли ва қонунчилик базасидан келиб чиққан ҳолда давлат фуқаролик хизматининг мазмун-моҳяти, ҳуқуқий таърифи ва юридик табиати ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туриши мумкин.

08.08.2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан давлат фуқаролик хизмати тушунчасига қонунчиликда аниқ тариф берилиб, унга кўра давлат фуқаролик хизмати - давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга

оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди[19].

Демак, давлат фуқаролик хизматининг асосий белгилари қўйидагилар ҳисобланади:

- давлат ва у ҳокимият ваколатини берган давлат органлари;
- фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, яъни 18 ёшга тўлган муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган ёки хориж давлати фуқароси эмас;
- хизмат, касбий профессионал фаолиятни амалга ошириши ва бунинг учун етарли даражадаги билим, кўникма ҳамда тажрийбага эга бўлиши, тегишли ваколатларни амалга ошириши учун малакавий талабларга жавоб бериши лозим;
- ҳақ тўланиши, давлат маблағлари ҳисобидан хизматига муносиб равишда иш ҳақи берилиши.

Демак, қонунчиликка кўра, фуқароларнинг ҳар қандай давлат органларидаги ҳар қандай лавозимдаги фаолият давлат фуқаролик хизмати сифатида кўрилмасдан, айнан давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органларидаги давлат реестрига киритилган лавозимдаги касбий фаолияти назарда тутилмоқда.

Ҳозирда амалдаги қонунчиликка кўра давлат фуқаролик хизматига кирмайдиган давлат хизмати шакллари аниқ кўрсатилган, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенати аъзоларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати девонлари ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг, судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви аъзоларининг, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган давлат хизматчиларининг, шу жумладан ҳарбий хизматчиларнинг, давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолияти давлат фуқаролик хизматига кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармонининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат давлатнинг махсус хизмати ҳисобланиши белгилаб ўтилган[20].

Демак, қонунчиликка кўра, давлат хизмати асосан икки турга ажратилмоқда, биричиси, давлат фуқаролик хизмати, иккинчиси давлат махсус хизмати.

Давлат махсус хизмати - прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган давлат хизматчиларининг

фаолияти ҳисобланади, яъни ҳарбий тартиб интизом билан, қатъий вертикал бўйсинув шаклига эга бўлган ҳарбий хизматчилар хизмати.

Лекин, қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенати аъзоларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати девонлари ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг, судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви аъзоларининг, шунингдек, давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолияти қайси давлат хизмати турига кириши аниқ белгиланмаган.

Назаримиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенати аъзоларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг фаолиятини “профессионал давлат хизмати” деб эътироф қилсак бўлади, чунки муайян муддатда асосий иш фаолияти фақат қонун ижодкорлиги бўлган ва халқ томонидан сайланадиган депутат хизматчилар корпуси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг, судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви аъзоларининг фаолиятини эса “давлат назорат хизмати” деб тарифланса тўғри бўлади, сабаби ушбу хизмат ходимлари фаолияти алоҳида қонунлар билан тартибга солинадиган ва хизматга тайинланадиган мансабдор шахслардан иборат бўлади.

Давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолиятини бўлса, “оммавий давлат хизмати” сифатида алоҳида турга бўлсак бўлади, чунки барча давлат хизмати турлари техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимлари асосий фаолият билан шуғулланувчи мансабдор шахсларга умумий кўмаклашиш ва ёрдамлашиш мақсадида ташкил қилинади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, давлат хизмати тушунчаси умумий ва кенг қамровли эканлиги боис давлат бюджетидан ойлик олиб давлатнинг ҳар қандай тузилмасида ишлаётган фуқаронинг фаолиятини давлат хизмати сифатида таъкидланса ҳам, лекин бу фаолият давлат фуқаролик хизмати бўлмаслиги мумкин.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Муратаев С.А, Мусаев Б.Т., Артиков Д.Р. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети. 2020.101-104 б.
2. Хожиев Э. Т., Исмаилова Г. С., Рахимова М. А. Давлат хизмати : ўқув қўлланма/– Тошкент: Baktria press, 2015. -15 б.
3. Musaev B., Artiqov D., Qosimov B. Ma`muriy huquq va protsess.T.: TDYU.2021.- 26 б.
4. Хожиев Э. Т., Исмаилова Г. С., Рахимова М. А. Давлат хизмати : ўқув қўлланма/– Тошкент: Baktria press, 2015.-14 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкисининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сон

- Қарори. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/1072916> (дата обращения 10.09.2024 г)
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.Биринчи қисм. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/111189>(дата обращения 10.09.2024 г).
  7. Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуни. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/54458>(дата обращения 10.09.2024 г)
  8. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/-6145972> (дата обращения 10.09.2024 г)
  9. Хайитов Х. Фуқароларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш шароитида давлат кадрлар сиёсати: Ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами. 2019 й.27 б.
  10. Газиёв К.Ж., Ахроров А.А. Маъмурий ҳуқуқ, ўқув қўлланма.Тошкент. 2023.- 99 б.
  11. Maxmudov F.B., Davlat xizmatida korrupsiya va manfaatlar to`qnashuvi.-Т.:TDYU.2023.- 7 б.
  12. Азимов Х.,Йўлдашев А.,Асадов Ш.,Хайитов Х., Каримов Д., Бекчанов Д., Атажанова Д.,Юлдашева Ф.Давлат хизмати. Ўқув қўлланма.-Т.:2019. -12 б.
  13. Граждан В.Д., Государственная гражданская служба.Учебник для бакалавров.5-е издание, переработанное и дополненное.Москва.Юрайт.2015.с-9.
  14. Войтович В.Ю. Государственная служба: учебное пособие. Ижевский.2008 г. С-14-15.
  15. Бахрах Д. Н., Российский Б. В., Старилов Ю. Н. Административное право: Учебник для вузов. — 2-е изд.,изм. и доп. — М.: Норма, 2005. — 250 с
  16. Григорьев О.В. Правовые основы формирования государственной гражданской службы Российской Федерации. диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва.:2005.-32 с
  17. [электронный ресурс] URL <https://constitution-unit.com/2023/07/11/the-civil-service-what-is-its-role/> Lisa James, Meg Russell, and Alan Renwick. дата обращения 10.09.2024 г)
  18. Horban O., Bass V., Drozd O., Kalatur M., Shkarupa K. Administrative-legal bases of functioning of the civil service: Comparative-legal aspect /Journal of the National Academy of Legal Sciences of Ukraine, Vol. 28, No. 4, 2021. -148 б.
  19. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/-6145972> (дата обращения 10.09.2024 г)
  20. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони. [электронный ресурс] URL <https://lex.uz/docs/4549998> (дата обращения 10.09.2024 г)



# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/7 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).